



"Тасдиқлайман"
ОШТБ бошлиғи
Н. А. Гаффаров

**ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж
ишлари бўйича**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент - 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Олмалиқ шахар Тиббиёт бирлашмасига қарашли бино-иншоатларига ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қиласди.

Хизмат номи: ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш юзасидан.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда.

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 86 500 000 сўм

Танлов хужжатларини қабул қиласиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуийдаги мезонларга амал қиласиган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳукукка эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Моддий техник таъминот бўйича етакчи мутахассис - _____

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:

Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигига белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент вилояти, Олмалиы шахар, М.Улуғбек кўчаси, 51-үй.

Танлов хужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов хужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва ракамларни бўяш) йўл қўйилмайди. Агарда хужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов хужжати комиссия томонидан четлаштирилади;

- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар:

- тижорат таклифи,
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хақида маълумотнома;
- инсофиз изрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олингандик гувохнома нусҳаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва қўлами.

1.1. ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш юзасидан (кейинги ўринларда элетромантаж ишлари ва уларнинг қурилмалари) ва қурилмаларни иш ҳолатида сақлаш учун режалангирилган профилактика характеристидаги ташкилий-техник тадбирлар мажмуасидир.

1.2. “Пудратчи” ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари ва уларнинг қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

1.2.1. ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари “Пудратчи” томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда 1 маротаба иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади. Агар элетромантаж ишлари ва уларнинг қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш вақтида “Пудратчи” техник ҳолати ҳавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб киладиган ускунани аниқласа, Пудратчи бундай ускунанинг ҳар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргалиқда “Нуқсон далолатномаси” ни тузади. Мазкур далолатнома таъмирлаш учун асос бўлади.

1.2.2. “Нуқсон далолатномаси” да кўрсатилган табиий эскириш туфайли яроқсиз ҳолга келган, асосий қисмлар ва жиҳозлар томонлар келишувига ҳамда алоҳида шартномага асосан амалга оширилади.

2. Пудратчига қўйиладиган талаблар.

2.1. ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш учун ташкилотнинг рухсат этиладиган сертификати ва юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2. ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш юзасидан меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин ҳавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электр ҳавфсизлиги бўйича малака гуруҳида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Юкоридаги тренинглар ва электр ҳавфсизлиги гурухидан ўтишни тасдиқловчи хужжатлар иш бошланишидан олдин тақдим этилиши керак.

2.3. “Пудратчи”, буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вакдида Буюртмачига юборишни таъминлаш.

- 2.4. “Пудратчи” ҳар қандай ишларни сифатсиз таъмирлаган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларни ўз маблағлари ҳисобидан қайга амалга ошириш.
- 2.5. Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирларни ишлаб чикиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.
- 2.6. “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларини тўлиқ риоя этишини таъминлаш.
- 2.7. “Пудратчи” ўз ходимларини иш куроллари, шахсий ҳимоя воситалари, иш кийимлари, маҳсус жиҳозлар ва сарфланувчи материаллар билаи таъминлаш.

3. ЛЕД чироқ , Ҳаракат сенсори сотиб олиш элетромантаж ишлари олиб бориш юзасидан

- 3.1. Электромантаж ишлари ва уларнинг таркибий қисмлари ва курилмаларини ташки кўрикдан ўтказиш;
- 3.2. Жиҳозларнинг ишлашида шовқин, бегона товушлар ва тебранишлар мавжудлигини текшириш ва таъмирлаш.
- 3.3. Ташқи ва ички электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларини тозалаш.
- 3.4. Курилмаларнинг техник параметрларини текшириш.
- 3.5. Механик ва электр уланишларни текшириш.
- 3.6. Ускуналар ва курилмаларнинг электр параметрларини текшириш .
- 3.7. Курилмаларнинг изоляциясини текшириш ва заруриятга кўра алмаштириш.
- 3.8. Иш режимларини текшириш.
- 3.9. Масофадан бошқариш яни интернет линиясига онлайн улаш ва ишлатиш.
- 3.10. Ташқи ва ички блок питанияларга техник хизмат кўрсатиш.
- 3.11. Ташқи ва ички блок питанияларни алмашинувчисига техник хизмат кўрсатиш
- 3.12. Ташқи ва ички видеокузатув курилмаларини платасини визуал текшириш.
- 3.13. Курилмаларда электр токини текшириш улчаш.
- 3.14. Ускуналарни текшириш.
- 3.15. Ташқи ва ички курилмаларни маҳкамлаш ишончлилигини текшириш;
- 3.16. Курилмаларни ишга тушиб ва ишчи токини ўлчаш.
- 3.17. Ускуналарда кучланишини ўлчаш.
- 3.18. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларини сигнал узатишларини текшириш.
- 3.19. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларнинг механик шикастланишини текшириш ва унинг олдини олиш.
- 3.20. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларини штекерларини алмаштириш.
- 3.21. Пайвадлаш ишларини амалга ошириш (пайвандлаш учун зарур бўладиган сарфланувчи материаллар пудратчи ҳисобидан).
- 3.22. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш.

4. Иш жойи ва вақти

- 4.1. “Буюртмачи”нинг куриклаш ва видеокузатув курилмаларини техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, М.Улуғбек кўчаси 47-уй. Тиббиёт Бирлашмасига қарашли бино ва иншоатлар.
- 4.2. ЛЕД чироқ , Ҳаракат сенсори сотиб олиш электромантаж амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар. Барча кўрсатилган электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларига техник хизмат кўрсатиш ишлари хар ойда камида бир маротаба амалга оширилади.
- 4.3. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларига техник хизмат кўрсатиш

“Буюртмачи” нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вакди дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмалари ишдан чиқган ҳолатларда тизим тўлиқ ишга тушгунга кадар таъмирлаш ишлари олиб борилади. Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

4.4. Пудратчининг мутахассислари Буюртмачидан ЛЕД чироқ, Ҳаракат сенсори сотиб олиш электромантаж ишлари олиб бориш юзасидан хизмат кўрсатиш учун хабарнома олинган пайтдан бошлаб куннинг исталган вақтида, шу жумладан дам олиш кунлари, таътил кунлари, байрам кунлари ҳамда куннинг қоронғу пайтларидан қатий назар 2 (икки) соатдан кўп бўлмаган вақтда етиб келишлари ва ишга туширишлари шарт.

5. Бошқа шартлар

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронгу вақтларида электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларига техник хизмат кўрсатиш учун “Пудратчи” нинг “Ишонч телефони” мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. “Пудратчи” ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишни таъминлаши шарт.

5.3. Пудратчининг ишонч геленклари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумогни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

5.4. Аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.5. Аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.6. Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари ва бошка норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

5.7. Электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларининг эҳтиёт қисмларини алмаштириш ишлари “Буюртмачи” томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилгандан сўнг “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ўртасида электромантаж ишлари ва уларнинг курилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун тузилган шартномаси доирасида алмаштириш ва созлаш ишларини амалга оширади. Агар “Буюртмачи” томонидан берилган эҳтиёт қисмни “Пудратчи” ўрнатиш жараёнида ишдан чиқарса, “Пудрачи” ўз ҳисобидан янгисига алмаштиради.

5.8. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини қабул қилиш, кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисобфактурани тақдим этади. Агар ускунага техник хизмат кўрсатиш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.